

Ўзбекистон Республикаси

Давлат статистика қўмитаси

2018 йил январь ойи учун Ўзбекистон Республикаси истеъмол секторида инфляция даражаси


Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ва инфляция даражаси

2018 йилнинг биринчи ойи давомида истеъмол бозорида товар ва хизматлар ўртача 2,7 %га ошди, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,5 %га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 2,3 %га ва хизматлар 1,4 %га қимматлашган.

Маълумот учун: 2017 йилнинг январь ойида товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари 0,8 %га, шулардан озиқ-овқат маҳсулотлари 1,2 %га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар 0,6 %га ошган.

2018 йилнинг январь ойида асосий инфляцион омил сифатида озиқ-овқат товарлари нархларининг кўтарилиши сабаб бўлди.

2018 йилнинг январь ойида товар ва хизматлар
нархларининг кўтарилиши ИНИнинг умумий ўсишидаги
таъсир улуши



Маълумот учун: 2017 йилнинг январь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши умумий ИНИ ўсишида 62,8 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 22,0 %, хизматлар 15,2 % ни ташкил этган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

Юқорида таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ой давомида ўртача 3,5 %га қимматлашиб, бу эса умумий ИНИнинг умумий ўсишига 1,6 ф.д. (фоиз даражаси)да таъсир кўрсатди.

2018 йил январь ойида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари индекси

(ўтган ойга нисбатан, %)



Ой давомида гуруч 7,5 %, сут 5,4 %, тирик ва музлатилган балиқ 4,8 %, сариёғ 4,4 %, тухум 4,2 %, қаймоқ 3,7 %, манний ёрмаси 2,7 %, ловия 2,5 %, мол ва қўй гўшти 2,2 %, творог 2,1 %, қандолат маҳсулотлари ўртача 1,8 %, буғдой уни 1,4 % ва ўсимлик ёғи нархлари 1,0 %га ошган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши асосан одатий ҳисобланган мавсумий омиллар натижасида рўй берди: олма ва ноклар 12,8 %, помидор 10,4 %, пиёз 8,7 %, ошқовоқ 8,6 %, бодринг 6,2 %, картошка 4,5 %, ёнғоқ 3,3 %, лавлаги нархлари 1,4 %га қимматлашди.

Асосий турдаги мева ва сабзавотлар нархининг ошиши баробарида сабзи 4,0 %га ва карам маҳсулоти нархлари 0,2 %га арзонлашган.

Бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари орасида бирмунча барқарор ҳолат кузатилган бўлиб, булар орасида шакар ва парранда гўшти маҳсулотлари нархлари пасайганлиги ҳам қайд этилган (1,0 % ҳамда 0,8 %).

Спиртли ичимликлар нархларининг ошиши 2018 йил 1 январдан эътиборан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нисбатан янги акциз солиқларининг жорий этилиши ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг минимал улгуржи ва чакана сотиш нархларининг қайта белгиланиши билан боғлиқдир.

2018 йилнинг январь ойида республика вилоятларида айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархлари орасидаги тафовут сақланиб қолди:

(кг, сўмда)

	Минимал ўртача нарх	Максимал ўртача нарх
Мол гўшти	28050 Навоий вилояти	36146 Тошкент шахар
Қуй гўшти	24633 Қорақалпоғистон Республикаси	36044 Андижон вилояти
Гуруч	3918 Қорақалпоғистон Республикаси	7993 Фарғона вилояти
Картошка	3435 Тошкент вилояти	3828 Қорақалпоғистон Республикаси
Тухум, 10 дона	6300 Андижон вилояти	7102 Сирдарё вилояти

Ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ой давомида 2,3 %га кўтарилиб, умумий ИНИнинг ўсишига 0,8 ф.д.да ўз таъсирини ўтказди.

Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб автомобилларга газ тўлдириш шаҳобчаларидаги пропан ҳамда метан газларининг сотиш нархлари 10,2 % ва 11,2 %га қимматлашиб, умумий ИНИ ўсишига 0,1 ф.д.да таъсир кўрсатди.


Полиграфия маҳсулотларининг ўртача 13,9 %га кўтарилиши республикада чоп этилаётган босма нашлар нархларининг қимматлашиши билан ўзаро боғлиқдир (рўзнома, журнал ва китоблар).

Республикада ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларига бўлган акциз солиқларининг кўтарилиши истеъмол бозоридаги сигарет ва тамаки маҳсулотларининг 8,8 %га қимматлашишига сабаб бўлди.

Юқорида номи қайд этилган маҳсулотларнинг нархлари кўтарилмаганида умумий инфляция кўрсаткичи 0,2 ф.д.да пастроқ кўрсаткични ташкил этган бўлар эди.

Бошқа турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши қуйидаги диаграммада акс эттирилган:

(2018 йилнинг январь ойи учун ўсиш даражаси, %)



Хизматлар истеъмол нархлари индекси

Аҳоли учун хизматлар ой давомида ўртача 1,4 %га кўтарилди. Бу эса ИНИ умумий ўсишига 0,3 ф.д.да таъсир этди.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалари хизматлари учун янги тўловларининг жорий этилиши умумий ўсиш суръатига 0,1 ф.д.да таъсир кўрсатди (Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги нархларнинг пасайганлигини ҳисобга олган ҳолда, республика бўйича ўсиш суръати ўртача 11,9 %ни ташкил этди).


2018 йил январь оyi учун асосий турдаги хизматлар тарифларининг кўтарилиши қуйида акс эттирилган:



Дам олиш
хизматлари
114,4 %




Тиббий
хизматлар
101,6 %



Ҳаво
транспорти
хизматлари
102,8 %



Автомобиль
транспорти
хизматлари
100,8 %



Маиший турдаги
хизматлар
101,2 %



ХУЖМШ
хизматлари
103,2 %

Умумий ИНИ ўсишидаги таъсир улуши – **0,2 ф.д.**

Нархлар статистика бошқармаси